

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**151** **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 23 мартдаги 50-сон қарорига мувофиқ ҳамда лойиҳа ва тадқиқот ташкилотлари тузилмасини такомиллаштириш ва ихтисослашувини чуқурлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 19 май,  
ПҚ-1339-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2010 йил 19 майдаги  
ПҚ-1339-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 26 апрелдаги ПҚ-62-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ» сўзлари «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 30 августдаги ПҚ-165-сон қарорининг 5-бандида:

а) биринчи хатбошидаги «А.Р. Тохтаев» сўзи чиқариб ташлансин;

б) учинчи хатбошидаги «УзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ» сўзлари «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сон қарорининг 3 ва 4-иловаларидаги «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» МЧЖ» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ-847-сон қарорининг 1-иловаси матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

1. «Узтяжнефтегазхимпроект» институти

2. «ТошуйжойЛИТИ» ОАЖ

3. «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК

4. «Ўзпўлатқурилмалойиҳа» ЁАЖ

5. «Ўзовирсаноатлойиҳа» ОАЖ

6. «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ

7. «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК

8. «ЎзЛИТИнефтвергаз» ОАЖ

9. «Гидропроект» ОАЖ

10. «Средазсетьпроект» ОАЖ

11. «Қишлоқэнерголойиҳа» ОАЖ

12. «Иссиқликэлектрлоийиҳа» ОАЖ

13. «Ўзкимёсаноатлойиҳа» ОАЖ

14. «ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» ДУК

15. ОКМК лойиҳа ишлари бошқармаси

16. «Ўзгенсанлойиҳа» МЧЖ

17. «Ўзкоммуналлойиҳақурилиш» МЧЖ

18. «Ўзгазлойиха» МЧЖ
19. «Тоштемирйўллойиха» ОАЖ
20. «Боштрансллойиха» ОАЖ
21. «Йўл-лойиха бюроси» МЧЖ
22. «Тошкентбошпланлити» ДУК
23. «Алоқалойиха» ДУК
24. «ЎзГИП» МЧЖ
25. «Ўзсувлойиха» ОАЖ
26. «Сувсаноатфуқароли» МЧЖ
27. «Ўзагросаноатлойиха» МЧЖ
28. «Тиблойиха» МЧЖ
29. Военпроект
30. «Чегаралойиха» ЁАЖ
31. «Ташгипрогор» ОАЖ